

# 1 ОКТЯБРЬ – ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

## Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • @uzssgzt, uzss@yandex.ru • 2022 йил 29 сентябрь • №36 (1420)

## ИЛК БОР РОБОТ-ХИРУРГ ЁРДАМИДА ЖАРРОҲЛИК АМАЛИЁТИ ЎТКАЗИЛДИ

Замонавий тиббиётнинг бу имкониятидан унумли фойдаланиш мақсадида Корея Республикасининг “Meere” компанияси томонидан ишлаб чиқарилган “Revo-i” русумли робот-хирург мамлакатимизга олиб келинди.

Куни кеча “Shox International Hospital” клиникасида Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддилари, Кореянинг “Meere” компанияси вакиллари, юртимиздаги ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари раҳбарлари, бир қатор малакали профессор-шифокорлар ва жамоатчилик фаоллари иштирокида ўзбек тиббиёти

тарихидаги муҳим воқеа – мамлакатимизда илк бор робот-хирург технологияси иш бошлашига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Клиника мутасаддилари ушбу инновацион технология муассасадаги барча операцион блок мутахассислари томонидан ўзлаштирилиши мақсад қилган.

Негаки, операцияда бутун жамоа иштирок этади, амалиёт

натijasи ва бемор саломатлиги ҳар бирининг касбий маҳоратига боғлиқ. Кейинчалик эса бу мутахассислар юртимиздаги бошқа ҳамкасблари билан ўз тажрибаларини бўлишади.

**Зарифхўжа Баҳодирхонов** – Ўзбекистонда илк бор робот-жарроҳга операторлик қилган онкохирург. Мутахассис замонавий хирургик технологиялар бўйича Италия, Германия, Хитой ва Туркиянинг нуфузли клиникаларида тажриба орттирган. Хусусан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги кўмаги би-



лан айнан “Revo-i” робот технологияси бўйича Кореяда икки марта малака оширган.

– Бизда шу пайтгача жарроҳлик амалиётлари одатий кесми ва лапароскопик усулларда ўтказилган, – дейди **З. Баҳодирхонов**. – Тўғри, лапароскопик операциялар ҳам кесиларсиз, визуал имкониятлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Бу усулда шифокор жарроҳлик столи олдида ту-

риб, операция пайтида ишлатиладиган асбобларни бевосита кўли билан ушлаб, қарши-сидаги мониторга қараб, иш олиб боради.

Нафақат юртимиз, балки Марказий Осиёда ҳам ноёб бўлган ушбу технология олиб келиб ўрнатилганига бир ҳафта бўлишига қарамасдан 8 нафар бемор у орқали дардига даво топди.

**Намоз ТОЛИПОВ.**

### ЭЪТИРОФ

## ЮКСАК ҲУРМАТ ВА ЭҲТИРОМ КЎРСАТИЛДИ

Бир неча йилдирки, юртимизда 1 октябрь – “Ўқитувчи ва мураббийлар куни” умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаб келинмоқда. Устоз деганда, ҳар қайси инсон кўнглида чуқур ҳурмат-эҳтиром ва чексиз миннатдорлик туйғу-лари, шу билан бирга, ҳеч қандай бойлик билан ўлчаб ва адо қилиб бўлмайдиган қарздорлик

ҳисси пайдо бўлади. Инсон, аввало, унга билим ва маърифат дунёси сари йўл очиб берган, унинг қалбига юксак инсоний ғазилатлар ҳиссини синдириши йўлида заҳмат чеккан устоз ва мураббийларига нисбатан кўнглида ҳамيشа миннатдорлик туйғуси билан яшайди.

сиб тақдирланди. Тошкент тиббиёт академияси профессори Абдуғаффор Гадов бу йилги тадбир ўтган йиллардан фарқ қилишини, атмосфера бутунлай бошқа эканлигини эътироф этиб, устоз ва мураббий-

ларга кўрсатилган эҳтиромдан миннатдорлигини таъкидлади. Шунингдек, жамиятимизда устозларнинг ўрни ва нуфузини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳам эътироф этилди.



1 октябрь – Устоз ва мураббийлар куни муносабати билан Тошкент тиббиёт акаде-

миясида тадбир бўлиб ўтди.

Унда Тошкент тиббиёт академияси ректори А. Шадманов

тадбирни очиб берар экан, узок йиллардан бери самарали хизмат қилган, ёш шифокорларни тарбиялашда шижоат кўрсатиб келаётган бир қатор профессор-ўқитувчиларни ҳамда академия ходимларини байрам билан муборакбод этди.

Соғлиқни сақлаш соҳасига етук ва малакали кадрларни тайёрлаб бераётган профессор-ўқитувчиларга юксак эҳтиром кўрсатилди. Билгани меҳнат, танигани сабр, матонат бўлган устоз шифокорлар шайнига энг самимий тилаклар янгради. Шунингдек, академия раҳбарияти томонидан муно-



Азиз устоз шифокорлар! Касб байрамингиз муборак бўлсин! Илм-маърифат йўлидаги машаққатли ва масъулиятли ишларингизга ривожлар тилаймиз!

**Ибодат СОАТОВА.**

МУАЛЛИМ БЕРГАН ТАЪЛИМ – КЕЛАЖАККА САРИ ҚЎЙИЛГАН ҚАДАМДИР



ЭЪТИРОФ

# МАРКАЗ ХАЛҚАРО СЕРТИФИКАТГА ЭГА БЎЛДИ

Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази шу йил халқаро сертификатга сазовор бўлди. Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази 10 та клиник бўлимдан иборат. 178 ўринга мўлжалланган клиника, илмий маслаҳат поликлиникаси, илмий кенгаш ва 14 та ҳудудий бўлинма мавжуд.

Жорий йилнинг ўтган даврида муассаса фаолиятига оид муҳим янгилıklar ҳақида муассаса директори Наталья Надирхановадан маълумот олдик:



– Бу йил марказимиз фаолиятига оид энг муҳим янгилıklar халқаро аккредитация сертификати сазовор бўлганимиз бўлди, – дейди **Н. Надирханова**. – Бундан ташқари, жорий йилда Корея, Россия, Беларусь давлатлари билан биргаликда 3 халқаро меморандум имзоланди.

“Акушерлик ва гинекологиянинг долзарб масалалари” I ёшлар илмий-амалий анжумани ўтказилгани ҳам муҳим натижа бўлди. Шунингдек таъкидлаш лозимки, марказ қошидаги илмий кенгашда 1 та DSc илмий даражаси олиш учун докторлик диссертацияси муваффақиятли ҳимоя қилинди. Муассасада

замонавий тиббиётнинг инновацион технологияларга асосланган нисбатан янги соҳаси ҳисобланган фетал тиббиёт бўйича илмий-амалий жамоа шакллантирилган бўлиб, улар томонидан бир неча турдаги мураккаб фетал жарроҳлик амалиётлари ўтказиб келинмоқда. Бу операциялар орасида муассасада илк бор амалга оширилаётганлари ҳам бўлиб, улар мутахассисларнинг тиббий “репертуари”ни бойишига хизмат қилди, дея оламиз.

– *Резус зиддиятли ҳомиладорликда ҳомилага бачадон ичидан қон қуйиш;*

– *Фето-фетал трансфузион синдроми (ФФТС) ҳолатида амниодренал манипуляциялар ўтказиш;*

– *Гидронефрозда ҳомила буйрагини бачадон ичидан стентлаш;*

– *Лапароскопик тотал гистерэктомия пайтида McCall бўйича ўтказилган қўлдопластика каби мураккаб операцияларни мисол қилиш мумкин.*

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида ўсмирларнинг фаол ҳаёт кечириши, билим олишига қўмаклашиш ва интернетда хавфсизлигини таъминлашга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

## ЯНГИ ПЛАТФОРМА ЯРАТИЛДИ



Тадбирда Соғлиқни сақлаш вазирлиги оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи Севара Убайдуллаева, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Жофри Ижунба, Халқ таълими, Ички ишлар вазирликлари масъул ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда бугунги глобаллашув даврида ахборот тарқатиш имкониятлари кенг эканлиги ва бу жараёнда ёш авлодни турли ахборий хуружлардан асраш долзарб бўлиб қолаётгани алоҳида таъкидланди.

Шу боис ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, ҳукумат идоралари ва мобил алоқа оператори билан ҳамкорликда “Яхши нарсалар интернет” деб номланган янги платформа ишлаб чиқилгани маълум қилинди.

– *Бугунги кунда кўп қабатли интернетдан, хусусан, ижтимоий тармоқлардан кенг фойдаланади, – дейди С. Убайдуллаева. – Уларнинг имкониятларини инкор этмаган ҳолда шунинг айтиши керакки, айни пайтда интернетдаги зўравонлик ва шафқатсизликни тарғиб қилувчи жуда кўп маълумотлар алдов ва гараз мақсадларда тарқатилмоқда. Бу эса ёшлар соғлиги ва онгига салбий таъсир этиши аниқ. Ўйлайманки, ушбу янги платформа болалар, ўсмирлар, ота-оналарнинг сифатли, хавфсиз, ҳолис ва фойдали ахборотдан эркин фойдаланишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.*

Мазкур дастур “Соғлиқни сақлаш”, “Рухий саломатлик”, “Таълим”, “Инсон ҳуқуқлари”, “Йўл ҳаракати хавфсизлиги” каби йўналишлар бўйича зарур тушунчаларни ўз ичига олган.

Айниқсан, ушбу лойиҳа интернетдан фойдаланиш имконияти чекланган, бунга шароити йўқ аҳоли қатлами учун ҳам мўлжаллангани эътиборга молик. Энг асосийси, ундан фойдаланиш мутлақо бепул.

Платформа ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларида фаолият кўрсатиб, айни пайтда унинг контентини бойитиш устида иш олиб борилмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ишчи гуруҳи, ЮНИСЕФ экспертлари, волонтерлар ёрдамида платформа контентини тўлиқ ўрганиб чиқиш ишлари якунига етди. Ушбу инновацион дастур бугундан бошлаб ишга тушади.

# МАКТАБ ҲАМШИРАСИНING БИЛИМИ ВА МАСЪУЛИЯТИ

Бухоро вилоятидаги мавжуд умумтаълим мактабларида тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, мактаб ҳамшираларининг долзарб мавзулар бўйича билимларини ошириш, ўқувчилар орасида соғлом турмуш тарзи тарғиботини янада кучайтириш, турли юқумли касалликларнинг олдини олиш, энг асосийси, мактаб ошхоналарида ўқувчиларнинг овқатланишини ташкил этишнинг санитария қоидалари ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ОИВ инфекциясининг олдини олиш каби масалалар бугун долзарблигича қолмоқда.



Бухоро вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида ўтказилган “Мактаб ошхоналарида тайёрлаш ва сотиш таъқиқланган маҳсулотлар” мавзусидаги конференцияда айнан ушбу масалалар муҳокама қилинди. Унда умумий ўрта таълим мактаблари ҳамда мактабгача таълим ташкилотларида фаолият кўрсатаётган ҳамширалар иштироки таъминланди.

Йиғилишни бошқарма бош мутахассиси Маъмурахон Сафоева очди. У дастлаб илмий-амалий конференция мазмун-моҳияти тўғрисида гапириб, мактаб ошхоналаридаги мавжуд фойдали ва зарарли маҳсулотлар нималардан иборат эканлиги, болаларни соғломлаштириш ишларини ўз вақтида ўтказиш, тиббий кўрикларни ташкиллаштириш, юқори синф ўқувчилари ўртасида ОИВ инфекцияси тарқалишининг олдини олиш учун тарғибот ишларини кўпроқ олиб бориш бўйича қимматли маълумотларни бериб ўтди. Шунингдек, вилоятимизда фаолият олиб бораётган мактаб ва мактабгача таълим ташкилот-

лари ҳамширалари масъулияти жуда катта эканлигини, мактаб ошхонасида тайёрланаётган овқатлар сифати ҳамда мактаб атрофида тадбиркорлар томонидан сотилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг яроқлилик муддатларини кўриб, доимий назоратга олиш ва тушунтириш ишлари олиб бориш мазкур тиббиёт ходимларининг галдаги вазифаси эканлигини эътироф этди.

– *Бугунги кунда мактаб атрофидаги дўконларда, қолаверса, таълим муассасалари ошхоналарида сотилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ва турли егуликлар соғлом овқатланиш тамойилларига тўлиқ жавоб беролмайди. Бунга нафақат ҳамширалар, балки муассаса маъмурияти ҳам бирдек эътиборли бўлиши керак, – деди М. Сафоева ўз маърузасида.*

Конференцияда таъкидландики, барча мактаб ва боғчалар ошхоналарида болаларга тақдим этилаётган исроғом маҳсулотлари таълим муассасаларида ўқувчилар овқатланишини ташкил этишнинг санитария қоида-

лари ва гигиена нормаларига кўра тайёрланиши лозим. Ҳар бир ҳамшира ўз иш жойида ошхона ходимлари, ўқитувчи ва ўқувчилар билан алоҳида, қолаверса, ота-оналар ўртасида семинарлар ташкиллаштириши, тарғибот ишларини олиб бориши за-

рурлиги таъкидланди. Шундан сўнг, вилоят ОИТСга қарши кураш маркази шифокорлари А. Шарипов, Д. Эргашевлар сўзга чиқиб, юқори синф ўқувчилари орасида ОИВ инфекцияси юқиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича қилиниши керак бўлган ишлар ва бу борада мактаб ҳамшираларининг роли хусусида ўз фикрларини билдирдилар. Монитор орқали тақдим этилган презентациялар ҳамда тарқатма материаллар мавзуси янада теранроқ англашга ёрдам берди, десак муболага бўлмайди.

Йиғилишда мамлакатимизда болалар соғлигини мустаҳкамлашда тиббиёт ходимларининг роли ҳақида сўз борди ва бу йўналишда ҳамширалар малакасини ошириб боришнинг аҳамияти тушунтирилди. Ижобий самараларга эришиш учун эса таълим ташкилотлари раҳбарияти, ота-оналар ҳамда тиббиёт ходимлари ҳамкорлиги муҳимлиги эътироф этилди.

## ТИББИЁТ ҲАФТА ИЧИДА

БИЛИМ ВА ТАЖРИБАДАГИ  
ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ

Унда ҳафталик яқунлари сарҳисоб қилиниб, тадбир мамлакатимизда стоматология соҳасини ривожлантириш, маҳаллий олимлар ва ёш изланувчиларнинг ютуқлари, диагностика ва даволашнинг сўнгги усуллари, илмий ва таълим йўналишлари тенденциялари билан яқиндан танишиш имконини бергани алоҳида эътироф этилди. Қизгин савол-жавоблардан сўнг соҳани ривожлантириш бўйича таклифлар ўртага ташланди.

Ўтган ҳафта маҳаллий ва хорижлик мутахассислар иштирокида “Стоматология ҳафталиги” самарали натижалар билан яқунланди.

Соғлиқни сақлаш, Инновацион ривожланиш вазирликлари ҳамда Тошкент давлат стоматология институти ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур ҳафталикда 70 нафардан зиёд маҳаллий стоматологлар, дунёнинг қатор давлатларидан келган етакчи мутахассислар иштирок этди.

РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИК  
СОҲАСИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Бугун юртимизда репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган бирламчи тиббий ёрдам ҳажмини кенгайтириш ва сифатини ошириш, аёллар ва ўғил-қизларга ихтисослаштирилган юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш учун замонавий инфратузилмани шакллантириш, юқори малакали тиббиёт кадрларни тайёрлаш масалалари соғлиқни сақлаш тизимининг асосий йўналишларидан бўлиб турибди.

Ушбу масалаларни муҳокама қилиш ва ўзаро тажриба алмашиш мақсадида Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази томонидан Хива шаҳрида “Ўзбекистоннинг репродуктив салоҳияти: динамикаси, муаммолар ва савий-ҳаракатларни бирлаштириш” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилмоқда.

Тадбир давомида репродуктив саломатлик, акушерлик, перинатология, гинекология, репродуктология, скрининг ва бачадон бўйни саратони профилактикаси бўйича Франция, Швейцария, Корея Республикаси, Саудия Арабистони, Ҳиндистон, Грузия, Қозғистон, Россия, Беларусь ва юртимиз мутахассисларидан иборат 250 нафар иштирокчи маҳорат дарслари, семинар ва давра суҳбатлари ўтказиши режалаштирилган.



Саҳифа материалларини Намоз ТОЛИПОВ тайёрлади

Пойтахтимиздаги “International Hotel Tashkent” меҳмонхонасида Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда Ўзбекистон терапевтлар ассоциацияси ҳамкорлигида “Ички касалликларнинг долзарб муаммолари” мавзусига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

ИЧКИ КАСАЛЛИКЛАР:  
МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Унда Россия, Беларусь, Қозғистон, Озарбайжон, Украина ва Тожикистон давлатларидан ташриф буюрган олимлар, терапевт, кардиолог, гастроэнтеролог, пульмонолог, ревматолог, невролог ва умумий амалиёт шифокорлари иштирок этди. Тадбирда терапевтика йўналишида амалиётга татбиқ этилаётган инновацион технологиялар, илғор диагностика ва муолажа усуллари ҳамда реабилитация соҳасига доир замонавий ёндашувлар хусусида ўзаро фикр ва тажриба алмашилди.

Шунингдек, юрак-қон томир ҳамда бошқа соматик касалликларга чалинган беморларга шошилиш ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш, ошқозон-ичак хасталикларини эрта аниқлаш ва самарали даволаш борасидаги янгилеклар ҳам муҳокама марказида бўлди.

Бундан ташқари, ревматологик, аллергик, коморбид, метаболик ва неврологик касалликлар профилактикаси ва муолажасига доир сўнгги ютуқлар иштирокчиларни бефарқ қолдирмади.

Болаларни қўллаб-қувватлаш Жамоат Фонди билан Беларусь Республикасидаги болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси илмий-амалий маркази ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

БЕЛАРУСЬ КЛИНИКАСИ  
БИЛАН ҲАМКОРЛИК

Бундан кўзланган асосий мақсад – Жамғарманинг тиббий дастурларига асосан хориж клиника мутахассислари иштирокида болалар учун тиббий-кўриклар ташкил этиш, оғир ташхисли бемор болаларни даволаш, операциялар қилиш, бепул дори-дармон воситалари билан таъминлаш, мунтазам саломатлигини тиклаш борасида ҳамкорлик алоқаларини кўрсатишдан иборатдир.



Бу йўлда Жамғарма ва марказ ўртасида ўзаро ҳамкорлик муҳим ҳисобланади. Томонлар учрашувда эҳтиёжманд оила фарзандларини хорижлик клиника мутахассислари иштирокида имтиёзли даволаш имкониятларини ҳам кўриб чиқишди.



Марказ директори А.Солнцеванинг сўзлари кўра, Болаларни қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди билан тузилган ҳамкорлик оғир ва мураккаб турдаги амалиётларни биргаликда амалга ошириш, пировардида шифокорлар ўртасида тажриба алмашиш имкониятларини яратди. Ушбу ҳамкорликнинг амалий ифодаси сифатида кўриш мумкинки, ҳозирда 3 ёшли Ўзбекистонлик бемор бола мазкур клиникада илик кўчириш амалиётига юборилган.



МУТАХАССИС МАСЛАХАТИ

# ТОВОНДАГИ СУЯК ЎСИМТАСИ ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛАДИ?




Кўпинча бу хасталик аломати тўсатдан бошланади. Кечкурун уйкуга ётасиз-у, тунда товонингизда симиллаган оғриқ сезилади. Эрта-лаб уйғонгач, вазият янада жиддийлашгани аён бўлади. Кучли оғриқдан ҳатто оёқ бошига қийналасиз. Товонингиз ичида нимадир қадалиб, оромингиз йўқолади. Кундузи дард белгилари сусайиб, оқшом маҳали яна безовталиқ кучаяди.

Маълумотларга кўра, ҳар йили дунё бўйича шундай муаммога дуч келган 1 миллион нафардан зиёд кишига товон шпораси, яъни плантар фасциит ташхиси қўйилади.

**Плантар фасциит** – товон юмшоқ тўқимасининг яллиғланиши оқибатида ҳосил бўладиган суяк ўсимтасидир. Касаллик сабаблари турлича. Масалан, сақраш, кучли зарба, кун бўйи тик оёқда юриш, югуриш ва семизлик оқибат-

тида товон зўриқиб, ички жароҳатлар юзага келиши мумкин.

Яссиоёқлик ҳам хасталикнинг кенг тарқалган омили. Бундай вазиятда гавда вазни оёқларга нотўғри тақсимланиши туфайли товонлар ортиқча зўриқишдан яллиғланади. Натижада ана шу жароҳатлар ўрнида суяк ўсимталари шаклланиб, ҳаракатланганда юмшоқ тўқималарга қадалади ва бемор оғриқдан азият чекади. Шунингдек, ревматоид ва артрит каби бўғим хасталикларидан сўнг товон



шпораси шаклланиши тиббий амалиётда кузатилган. Қаттиқ, баланд ёки аксинча юпка пошнали пойабзаллар ҳам хасталик ривожланишига сабаб бў-

лиши эҳтимоли юқори. Бундан ташқари, подагра касаллиги оқибатида организмдаги тузларнинг товонга ҳаддан зиёд кўп чўкиши баъзи ҳолларда бўғимлар ва суякларга салбий таъсир ўтказади. Хасталик жараёнида оғриқлар аста-секин ва ташқи жароҳатларсиз бошланади. Юғанда аломатлар йўқолиб, хордиқ олганда яна пайдо бўлади. Ундан кўпроқ қирқ ёшдан ошган беморлар азият чекиши аниқланган. Товон шпораси ташхиси пальпация усулида ҳамда рентгенография ёрдамида қўйилиши мумкин. Те-

гишли муолажалар буюришда касаллик босқичи ва бемор ҳолати ҳисобга олинади. Улар орасида яллиғланиш ва оғриқларга қарши дори-дармон муолажаси, шишларни бартараф этиш ҳамда хасталик ўчоғидаги қон томирлари фаолиятини яхшилашга қаратилган магнит-резонанс терапия кенг оммалашган. Шунингдек, лазер, фонофорез, рентген, зарбли-тўлқинли муолажа усуллари ҳам касалликни даволашда қатта самара беради. Агар юқоридаги даволаш чора-

лари қутилган натижани бермас, хасталик жароҳлик йўли билан бартараф этилади. Ҳозир бунинг учун марказимизда каминвазив усулдаги юқори технологик операциялар йўлга қўйилган. Бу, беморларнинг тез ва осон оёққа туришига хизмат қиляпти.

**Мурод ИРИСМЕТОВ,**  
Республика  
иختисослаштирилган  
травматология ва ортопедия  
илмий-амалий тиббиёт  
маркази директори.

## УСТОЗ – ЙЎЛИМИЗНИ ЁРИТГУВЧИ ШАМЧИРОҚ, КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИМИЗДИР

*Киши ҳаёти давомида кўп инсонлар билан учрашади, танишади. Вақт ўтиши билан эса айримларининг ўзини ҳам, исмини ҳам унутади. Лекин биринчи устознинг ёдини ҳеч*

*ким унутмайди, унутолмайди. Шунингдек, ҳар бир инсон ўзининг илк бор мактаб остонасидан ҳатлаган кун ва ўша ондаги ҳаяжонини қалбда энтиқиш билан эслайди.*

Ўша кунни худди ўзимни сеҳрли оламга тушиб қолгандек ҳис қилганман. Биринчи устозим Марҳабо опа Ҳамроевнинг ёнига онаминг бағрига шошгандек талпинардим. У кишининг сўзлари сўз, ўргатганлари ибрат эди.

Мен таҳсил олган Қашқадарё вилояти, Китоб тумани, Дўрмон қишлоғидаги 24-умумтаълим мактабида Марҳабо опа каби меҳридарё устозлар талайгина. Ҳозир ҳам барчасини чуқур ҳурмат билан хотирлайман. Чунки, бугунги ютуқларга эришимизда уларнинг қатта меҳнатлари синган. Устозим Пўлат Азимовдан расмчиликнинг сиру синоатларини ўргандим. Бу ҳаётда дадил қадам босмоқ ва мустақкам келажак барпо этмоқлик учун доимо олға ҳаракатда бўлишни ўргатган мураббийим Алимардон Авлайевнинг меҳрлари бизга бошқача эди. У киши бизга отадек суянч ва тиргак бўлганлар.

Китобга бўлган муҳаббатимнинг ошишида Қурбоной Қобиловнинг хизматлари бекиёс. Ҳар қандай шароитда ҳам у киши китобхонларни “сиз” деб чақиришлари узтосимнинг маъна-

вияти етук ва фикри теранлигидан далолат беради. Шу туфайли устозим билан жуда кўп ютуқларга эришганман. Туманимизда ўтказилган “Энг яхши китобхон” кўрик-танловида фахрли биринчи ўринни олиб, Республика босқичида юқори ўринларни эгаллаганман.

Мактабни тамомлагач, олий ўқув юртига ҳужжат топширдим. Ўзимнинг сеvimли касбимни эгалладим. Олийгоҳда ўқир эканман, устозларим берган таълим ва тарбия бу ерда ўз маҳсулини кўрсатди. Институтимиз ректори, филология фанлар доктори, профессор Иброҳим Йўлдошев талабаларни жондан ортиқ севар, уларнинг таълим олишлари йўлида бор куч ва имкониятларини аямайди. Ҳатто бир пиёла чой устида талабалар билан дўстона суҳбат қуриб, кучли мотивациялар бера оладиган ҳақиқий ватан фидойисидир десам муболаға бўлмайди.

Яна бир устозим ҳақида қанча гапирсам оз. Олийгоҳимиздаги ҳар бир талабанинг меҳрибон сирдоши, яқин дўстига айланиб қолган Райҳона Ўралованинг салимийлиги, очик кўнгиллиги ва камтарлигидан барчамиз ибрат олсак арзийди.



Факултет декани Сойибназар Давлатов яхши ўқитувчи ва меҳрибон инсон. Қаттиққўллик қилсалар ҳам кўзларидаги меҳр талабаларни яхши кўришларини билдириб қўяди...

*Муаллим дунёда билим чироғи  
Муаллим ҳаётнинг тўлқин булоғи  
Муаллим фарзандга беради сабоқ  
Келажак доим бўлсин деб порлоқ.  
Муаллим билимлар даргоҳин очар  
Дунёда билимдан гўё зар сочар*

Устоз ўғити ва амали барчамиз учун бирдек аҳамиятга эга. Ҳар бир ишимиз, сўзлаётган сўзимизда устозларимизнинг нафаси бор. Шу боис, улардан бир умр миннатдоримиз!

*Муаллим фарзандга билим беришни  
Барча нарсалардан яхшироқ билар  
Муаллим дунёда бўлмаса агар  
Ҳаётда билимдан қолмагай асар  
Келинг муаллимдан олайлик сабоқ  
Бурчимиз муаллимдан умр тиламоқ.*

**Бунёд АМИРОВ,**  
Ўзбекистон давлат санъат ва  
маданият институти 2-босқич талабаси

МОЗИЙДАН САДО

# ТАРИХНИНГ ҲАР БИР ОНИ ҲАҚИҚАТНИ СЎЗЛАЙДИ

Марказий Осиёда, шу жумладан, Ўзбекистонда турли даврларда буюк олимлар ва ҳақимлар яшашган ва ижод қилишган. Улар Ўзбекистон ва бутун дунё тиббиёт фанига, маданият ва санъатига улкан ҳисса қўшганлар.

XX аср охирида, шарқнинг буюк ҳақими ва олими Абу Али ибн Сино туғилган кунининг 1000 йиллиги арафасида, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Қаюм Зоиров етакчилигидаги Ўзбекистоннинг ажойиб шифокор-олимлар гуруҳи фан ва соғлиқни сақлаш нуқтаи назаридан ноёб ва кадрли, маълум даражада, биринчи бўлган соғлиқни сақлаш музейини ташкил этишга қарор қилди. 1973 йилда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш музейи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ очилган.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш музейига номи берилган профессор Қаюм Собирович Зоиров соғлиқни сақлаш тизимининг йирик ташкилотчиси ҳисобланади. У 13 йил мобайнида (1966-1979 йиллар) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири бўлиб фаолият юритган. Ушбу даврда биринчи навбатда, Республика соғлиқни сақлаш тизимини ижтимоий ва иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим вазифаларини ҳал қилишда, тиббий муассасалар тармоқларини кенгайтириш ва такомиллаштиришда, тиббиёт кадрларини тайёрлашда унинг ташкилотчилик қobiliяти тўлиқ намоён бўлди. Қаюм Зоировнинг соғлиқни сақлаш тизимига қўшган ҳиссаси давлат томонидан юқори баҳоланган. Қаюм Зоиров Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш музейи ташкил топишида бевосита иштирок этган. Музей Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1973 йил 14 майдаги 534-р-сон фармойишига мувофиқ ташкил топган. Келгусида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1984 йил 16 октябрдаги 543-сон қарори асосида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш музейига Қаюм Зоиров номи берилган.

Шу ўринда таъкидлашимиз жоизки, музейимизнинг экспозиция заллари қуйидагилардан иборат. **Абу Али ибн Сино зали** музейдаги марказий заллардан бири ҳисобланади. Абу Али ибн Синонинг Яқин Шарқ давлатлари бўйлаб сафарлари схемаси харитаси ва унинг Хамадандаги (Эрон) макбараси макети ўрта аср шарқи буюк олимнинг бутун ҳаёт йўлини кузатиб бориш имконини беради. Абу Али ибн сино бюсти залда марказий ўринни эгаллайди, у буюк олимнинг бадий ва саҳна тимсоли бўйича энг асосли асарлардан бири ҳисобланади. Кейинги залимиз **X-XI асрларда Шарқ тиббиёти тарихи (Маъмур академияси) эрамизнинг X асрида Ўрта осие уйғониш даврида**

Хоразмда Маъмур (*Хоразм шох номиди*) академияси ташкил этилган бўлиб, бу ерда Абу Али ибн Сино, Беруний, Аль-Қосий, Масихий каби буюк мутафаккир олимлар ўз асарлари билан доғ таратганлар. Маъмур академияси ўз машҳурлиги бўйича ўша даврнинг дунёдаги иккинчи Олий мактаби ҳисобланган. Экспозицияда ушбу академия аъзоларининг тасвирларини ўз ичига олган суръат, тиббиёт бўйича қадимги китоблар қўлёзмалари, доривор ўсимликлар тавсифи, уларни тайёрлаш учун мўлжал-



ланган идишлар, шунингдек, ўрта асрлар шаҳарлари ва турмуши фотонусхалари кўйилган. **XIX аср охирида – XX аср бошида тиббиёт тарихи экспозиция залида** ўша даврларда (1867-1920 йиллар) Туркистон ўлкаси худудида (ҳозирги Ўзбекистон худуди ҳам унга тегишли) ҳозирги тушунча бўйича тиббиёт мавжуд бўлмаган. “Беморни даволаётган табиб” ва “Дори тайёрлаётган табиб” диорамалари образли тасаввур беради. Аҳоли касалланган ҳолатда ёрдам учун табиблар ва полчиларга мурожаат қилганлар. Кўпинча бундай ёрдам бевосита майдонларда кўрсатилган, шунингдек, хатна қилиш, жароҳатлар, шикастланишларни даволаш каби кенг ёйилган тиббий аралашувларни ўз ичига олган. Туморлар, ўтлар, қуритилган илонлар, турли дори-дармонлар табибнинг ҳақиқий асбоби ҳисобланган. Музей залларида Туркистон ўлкасига келган, безгак, тери лейшманиози, тархома, сифилис каби кенг тарқалган касалликларни бартараф этишга улкан ҳисса қўшган биринчи шифокорларнинг буюмлари, китоблари, хужжатлари ва тиббий асбоб-ускуналарини кўриш мумкин. Навбатдаги залимиз **иккинчи жаҳон уруши даврида (1941-1945 й) соғлиқни сақлаш тарихи тўғрисида** бўлиб, унда Ўзбекистонда ярадор аскарлар ва офицерлар учун юзлаб эвакуация госпиталлари ташкил этилган. Ўзбекистонлик

тиббиёт ходимлари фақат госпиталларда ишлаш билан чекланиб қолмаганлар. Республика фронт учун шифокор кадрларни тайёрлаган, жумладан, Самарқанд тиббиёт институтининг фронтга жўнашдан олдин сўнгги марта тўпланган битирувчилари фотосуръатлари (1943 й), шунингдек, урушда қатнашган тиббиёт ходимларининг фотосуръатлари бундан ёрқин далолат беради. Буюк жаррох, академик Н. Богораз иш олиб борган операция столи кимматли ёдгорлик ҳисобланади. Ногиронлик бўйича ҳар икки оёғидан айрилган жаррох учун махсус операция столи тайёрланган бўлиб, у ушбу столда уруш йиллари Тошкент ҳарбий госпиталида юзлаб ярадор аскарлар ва офицерлар ҳаётини қутқариб

колган. Шунингдек, **Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотлар тўғрисида (1991-2018 й) ги** залимизда соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш ва тизим амалиёти сўнгги йилларда такомиллашиб бормоқда. Мустақилликка эришгач, мамлакатимизда соғлиқни сақлашнинг ўзига хос ўзбек модели ривожлантирилди. Биринчи тиббий-санитария ёрдами ислохотлари муваффақиятли амалга оширилмоқда, тез-




кор ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдамнинг замонавий тизими шакллантирилди, тиббий ёрдамнинг ихтисослаштирилган турлари ривожлантирилди. Дастлабки тиббий-санитария ёрдами, Республика ва вилоят тезкор ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам марказлари ре-



спублика жаррохлик, педиатрия, урология ҳамда кўз микрохирургияси ва бошқа ихтисослаштирилган марказларнинг техник таъминоти яхшиланди. Хусусий тиббий хизматлар ривожланиб бормоқда. **Она ва бола соғлиги тўғрисидаги залимизда** она ва бола гигиенаси, аёллар ҳаётида шахсий гигиена, оқилона овқатланиш ва спорт аҳамияти тўғрисида ҳикоя қилувчи материаллар тўпланган. Ислохотдан олдинги даврдаги намунали туғруқхона макети тақдим қилинган. Кейинги залимизда **инсон соғлиги гигиенаси, тарихи ва ҳозирги кун** бўлимида музейга келувчилар гигиена тарихи ва унинг боблари: сув, овқатланиш ва ҳаво гигиенаси билан танишадилар. Юнон ҳақими ва файласуфи Гиппократ (эрамиздан аввал 460-377 й) ўз асарларида соғ-

Экспозицияда ҳаммомнинг қадимги миннатураси тақдим қилинган. **“Шиша одам” модели** залимизда электрлаштирилган “Шиша одам” модели Дрезден гигиеник музейи (Германия) тайёрланган ва 1973 йилдан эътиборан намоён этиб келинади. Бошдан-оёқ эркак организмни тасвирловчи экспонат шиша ғилофи орқали нерв, юрак-томир, нафас олиш, овқатни ҳазм қилиш тизими каби бир қатор тизимларни ҳосил қилувчи ички органлар навбатма-навбат ёритиб турилади. Ушбу модель одам организмнинг қанчалик мукамал эканлигидан қатъий далолат беради.

Албатта биз бу каби маданий меросларимизни асрашимиз ва музейимизга ташриф буюрувчиларнинг ҳар бирига



ликка риоя қилиш тўғрисидаги талабларни илгари сурган. Буюк Абу Али ибн Сино (эрамизнинг 980-1037 й) шунга ўхшаш тавсиялар қолдирган. У “Тиб илми қонуни” китобида соғлиқ учун тоза сув ва тўғри овқатланишга алоҳида аҳамият қаратган. Ҳозирги вақтда ушбу ғоя ўз илмий тасдиғини топган ва сифат жиҳатдан янги мазмунга эга бўлган. Шу туфайли соғлом турмуш тарзининг кўп ҳаракатланиш, жисмоний меҳнат ва дам олишни ўз вақтида амалга ошириш, ортиқча овқатланмаслик, овқатни яхшилаб чайнаш, овқатлангандан сўнг дарҳол совуқ сув ичмаслик, муайян кунларда қоринни оч қолдириш, фақат тозланган, имкон даражада, қайнатилган сувни ичиш каби энг муҳим қоидалари ҳамон амалда бўлиб, асрлар оша авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда.

тўлиқ маълумот беришимиз ва уларнинг тиббий маданиятини оширишимиз бугунги даврнинг асосий талабига айланиб бораётганлиги ҳеч бири-мизга сир эмас. Шундай экан, “Тарихсиз келажак йўқ” деганларидек, музейимиздаги тиббиёт тарихини сўзловчи ҳар бир экспонатларимиз, қолаверса, ҳақиқатли маълумотларимиз мамлакатимиз тиббиётининг бугуни, эртаси ва келажак учун муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилишига ишончимиз қомил.

**Гулчехра ПАРИКОВА,**  
Қаюм Зоиров номидаги  
Ўзбекистон соғлиқни  
сақлаш музейи директори  
ўринбасари.  
**Мукаррамхон АЙДАШЕВА,**  
фонд бўлимининг  
бошлиғи.

## СОВЕТЫ СПЕЦИАЛИСТА

ЭКСПЕРТ В СФЕРЕ СТОМАТОЛОГИИ НАЗВАЛ  
ОТЛИЧИЯ МЕЖДУ БРЕКЕТАМИ И КАПШАМИ

Эксперт в сфере стоматологии, генеральный директор XGate Dental Russia Михаил Азатьян рассказал «Известиям» о том, как правильно сделать выбор между брекетами и каппами, назвав их преимущества и недостатки.

Он отметил, что технологии в стоматологии не стоят на месте и в настоящее время самыми распространенными методами исправления прикуса являются элайнеры (каппы) и брекеты.

«Само лечение элайнерами и брекет-системами занимает довольно таки длительное время с примерным сроком примерно до двух лет. Стоит отметить, что обе системы справляются максимально результативно, но нужно понимать, какие задачи стоят перед врачом, какие есть показания, нюансы и пожелания пациента. Всегда нужно подходить к различным корректирующим и врачебным процедурам достаточно серьезно, оценив все плюсы и минусы», — подчеркнул специалист.

По его словам, брекет-системы выглядят сложнее за

счет металлической конструкции, замков и лигатур. Каппы, в свою очередь, выглядят достаточно просто и эстетично: они сделаны из гипоаллергенного прозрачного материала (силикон или полиуретан), поэтому на поверхности зубов абсолютно незаметны.

В числе положительных черт элайнеров Азатьян отметил упрощенную гигиену полости рта, особенно для тех, у кого слабые десна и зубы, поскольку в таком случае важно ежедневное тщательное очищение.

«Также при использовании элайнеров присутствует защита от перетирания зубов, так как многие сжимают их во сне, что впоследствии может предотвратить возникновение бруксизма. Важным моментом также является то, что элайнеры могут понадобиться и тем, кто выбрал использование брекетов, так как

они, впоследствии, будут нужны для поддержания лечения и чтобы зубы вернулись в нужное положение», — указал эксперт.

По его словам, в числе остальных преимуществ кап можно выделить следующие: незаметность и эстетичность; достижение комплексного воздействия происходит за счет большего охвата коронки; система никак не мешает четкости речи и дикции; очищение элайнера происходит максимально быстро. Кроме того, не происходит травмирования слизистой, языка и десен, а также повреждения эмали при длительном использовании, что обеспечивает надежную защиту от появления кариеса. Из недостатков элайнеров Азатьян отметил цену, время изготовления (около месяца), а также то, что такие системы не подходят для маленьких детей.

«Что касается брекет-систем, они используются для лечения серьезных проблем и патологий ротовой полости. Врачи рекомендуют установку именно брекетов тем, у кого глубокий прикус, дистопия, неправиль-



ное развитие челюсти, а также тем, у кого имеется скученность зубного ряда или наоборот, если зубы расположены далеко друг от друга», — пояснил эксперт.

При этом после брекетов на зубах нередко остаются пятна от креплений системы, убрать которые будет не так просто. Также в числе недостатков специалист выделил: незаметность, так как брекеты могут выглядеть весьма громоздкими; время установки (около трех часов); нарушение дикции на протяжении периода адаптации. Кроме того, исправление и коррекция могут происходить не одновре-

менно.

«В заключение нужно отметить то, что важно доверить себя хорошему специалисту, врачу стоматологу, который расскажет вам о всех плюсах и минусах, где вы, исходя из своих приоритетов и возможностей, выберете наиболее комфортную и удобную систему для лечения. Главная задача врача максимально углубиться в проблему пациента, сделать рекомендации, провести анализ и помочь сделать осознанный выбор пациенту», — резюмировал Азатьян.

www.iz.ru.

## Виды брекет систем



Металлические



Керамические



Сапфировые

## МЕХР ВА ЭЪТИБОР МУЖАССАМ

Болажонларимиз келажогимиз, ҳаётимизни ёритувчи чирогимиз ва жамиятимиз таракқиётини юқорига кўтарувчи фахримиздир. Эътирофлиси шундаки, Президентимиз фарзандларимиз саломатлиги, таълим тарбияси, қолаверса, келажоги учун кенг имкониятлар яратиб келаятганлиги барчамизни бирдек мамнун этмоқда.



Айниқса, кичкинтой болажонларимиз, шунингдек, ўқувчи талабаларимиз кўплаб донатлараро ўтказилган олимпиадалар, спорт мусобақалари каби нуфузли арена-ларда давлатимиз байроғини юқори кўтариб, Янги Ўзбекистон фарзандлари эканлигини

кўрсатаётганликлари фахр ва ғуруримиздир. Шундай экан, мамлакатимизда давлатимиз раҳбарининг бу каби эътибор ва ғамхўрликлари жамоат ташкилотларида ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларига имтиёзли ёрдам кўр-

сатиб келинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Ҳамширалар Ассоциацияси томонидан ҳар бир байрамларда пойтахтимиздаги тиббиёт муассасаларида фаолият юритаётган, кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож ҳамшираларимизнинг фарзандларига байрам совғалари тақдим этилади. Ўқув йили бошида мазкур оила фарзандларига мактаб ўқув куроллари топширилди. Албатта, бу каби эътибор болажонларимизни руҳиятини кўтариб, аъло баҳоларда ўқишларига катта замин яратади. Мақсадимиз, уларга совға тақдим этиш эмас, унинг замирида фарзандларимизга бўлган меҳр ва эътибор мужассам. Бундай эзгуликлар болажонларимизни Янги Ўзбекистонимизнинг пойдеворини мустаҳкамлашда асосий ўринга эга бўлишига ишончим комил.

Гулнора УСМОНОВА  
Ўзбекистон Ҳамширалар  
ассоциацияси раиси.

## ЭЪЛОН

Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юкумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт марказининг Вирусология илмий-тадқиқот институти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сон қарорига мувофиқ, Олий таълимдан кейинги таълим шакли – таянч докторантура (PhD), докторантура (DSc) ва мустақил изланувчиликка (PhD, DSc) 14.00.10-Юкумли касалликлар ва 03.00.04-Микробиология ва вирусология ихтисосликлари бўйича ҳужжатларни Ягона электрон тизими (<https://phd.mininnovation.uz>) орқали 2022 йилнинг 15 сентябридан 15 октябрга қадар қабул қилади.

РОМИТАНДА ГЕМОДИАЛИЗ  
БЎЛИМИ ИШ БОШЛАДИ

Бухоро вилояти Ромитан тумани тиббиёт бирлашмасида сурункали буйрак етишмовчилиги бўлган беморларга ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатадиган туманлараро гемодиализ бўлими (Ромитан, Пешку ва Бухоро туманлари) иш бошлади.

– Ҳозирги кунда туманда ушбу касаллик билан 56 нафар бемор назоратда туради. Улар доимий равишда диализ муолажаларини олишга муҳтож, – дейди туман тиббиёт бирлашмаси раҳбари Жамшид Тоҳиров. – Шу пайтгача беморлар гемодиализ ўтказиш учун Бухоро вилоятидаги кўп тармоқли тиббиёт марказида фаолият кўрсатган гемодиализ бўлимига юборилган. Энди эса ушбу беморларга Ромитан туманининг ўзида тиббий ёрдам кўрсатиш имконияти пайдо бўлди. Бўлимга 1 миллиард сўм эвазига Германиядан олиб келинган сув филтрлаш курилмаси ва 4 та замонавий гемодиализ аппарати ўрнатилди.

www.uza.uz



## Эълон

**2023 йилда стажёр-тадқиқотчилик, таянч докторантура, докторантура ва мақсадли докторантурада давлат бюджети маблағлари ҳисобига таълим олувчиларнинг вазирликлар, идоралар, олий таълим муассаса ва илмий ташкилотлар бўйича тақсимланиши**

(Соғлиқни сақлаш вазирлиги)

| 31    | Жами   | 34 | 328 | 12 | 3 | 16 |
|-------|--|----|-----|----|---|----|
| 31.1  | Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази  | 1  | 8   | 3  | 0 | 3  |
| 31.2  | Тошкент Тиббиёт Академияси   | 5  | 58  | 0  | 0 | 0  |
| 31.3  | Тошкент фармацевтика институти   | 1  | 5   | 0  | 0 | 5  |
| 31.4  | Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-тадқиқот институти  | 0  | 5   | 1  | 1 | 0  |
| 31.5  | Республика ихтисослаштирилган Дерматология ва венерология илмий-амалий тиббиёт маркази   | 1  | 5   | 0  | 0 | 0  |
| 31.6  | Республика ихтисослаштирилган Терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази  | 1  | 2   | 0  | 0 | 0  |
| 31.7  | Бухоро давлат тиббиёт институти  | 3  | 61  | 0  | 0 | 0  |
| 31.8  | Самарқанд давлат тиббиёт институти   | 4  | 40  | 0  | 0 | 0  |
| 31.9  | Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази   | 0  | 2   | 0  | 0 | 0  |
| 31.10 | Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-тадқиқот институти  | 1  | 5   | 0  | 0 | 0  |
| 31.11 | Республика онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази  | 2  | 3   | 0  | 0 | 0  |
| 31.12 | Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти   | 3  | 9   | 4  | 0 | 0  |
| 31.13 | Академик Воҳидов номидаги Республика хирургия маркази  | 0  | 3   | 0  | 0 | 0  |
| 31.14 | Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пулмонология илмий-амалий тиббиёт маркази  | 2  | 5   | 0  | 0 | 0  |
| 31.15 | Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти   | 1  | 4   | 4  | 0 | 2  |
| 31.16 | Республика нейрохирургия илмий маркази   | 0  | 3   | 0  | 0 | 0  |
| 31.17 | Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази  | 1  | 3   | 0  | 0 | 0  |
| 31.18 | Тошкент педиатрия тиббиёт институти  | 1  | 29  | 0  | 0 | 3  |
| 31.19 | Республика ихтисослаштирилган Травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази  | 0  | 1   | 0  | 0 | 0  |
| 31.20 | Андижон давлат тиббиёт институти   | 1  | 14  | 0  | 0 | 0  |
| 31.21 | Тошкент давлат стоматология институти  | 3  | 30  | 0  | 0 | 1  |
| 31.22 | Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази   | 0  | 8   | 0  | 0 | 0  |
| 31.23 | Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази  | 1  | 7   | 0  | 2 | 0  |
| 31.24 | Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази   | 1  | 5   | 0  | 0 | 2  |
| 31.25 | Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази  | 1  | 10  | 0  | 0 | 0  |
| 31.26 | Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразит касалликлари илмий-амалий тиббиёт марказининг Вирусология илмий-тадқиқот институти | 0  | 3   | 0  | 0 | 0  |

## Эълон

**АКАДЕМИК Ё. ТУРАКУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ 14.00.03 – ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ИХТИСОСЛИГИ БЎЙИЧА ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРА ВА ДОКТОРАНТУРАГА 2023 ЙИЛ УЧУН ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Таянч докторантурада ва докторантурага ўқишга талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

Ариза

Паспорт нусхаси, расм 3x4 (4 дона);

Қисқача биографик маълумотнома (объективка);

Олий таълим муассасаси магистратураси дипломи, олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисида диплом нусхаси;

Меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);

PhD ёки тиббиёт фан номзоди тўғрисидаги диплом (докторантурага кириш учун);

Нашир этилган илмий ишлар рўйхати (3,4 шаклда) ва уларнинг нусхалари;

Танланган илмий иш мавзуси;

Илмий раҳбарнинг розилик хати.

Чет тилини билиши ҳақида Миллий ёки унга мос даражадаги халқаро сертификат

Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация

тадқиқоти асосини ташкил қилиш мумкин бўлган натижалар бўйича илмий журналларда камида 1 та илмий мақола ва 2 тадан кам бўлмаган илмий ишлар тўпламларига киритилган тезисларга эга бўлган мақолалар.

Фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун 3 та илмий мақола ва 2 та тезис бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этадилар.

Ҳужжатлар (pdf) шаклида тайёрланиб, 2022 йил 23 сентябрдан 15 октябргача Олий таълимдан кейинги таълимни мувофиқлаштирувчи Ягона электрон тизими (<http://phd.mininnovation.uz>) орқали рўйхатдан ўтган ҳолда қабул қилинади.

Таянч докторантурага кириш имтиҳонлари ва докторантурага кириш учун суҳбат ҳар йили 1-25 ноябрь кунларида ўтказилади. Таянч докторантурага кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар: – чет тили (таълимнинг олдинги даражаларида ўрганган хорижий тил); – мутахассислик.

Мурожаат учун манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 56-уй.

**Газета муассиси:**  
**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги**

**Бош муҳаррир**  
**Амрилло ИНОЯТОВ**  
**Бош муҳаррир ўринбосари**  
**Ибодат СОАТОВА**

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30 уй, 2-қават. Тел/факс: (71)233-13-22, тел.: (71)233-57-73. Газета 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0015-рақами билан рўйхатга олинган.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 681 нусха.  
Буюртма Г-940

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи: Намоз Толипов

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.